



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА УСТАВ КАПИТАЛИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА КУРС ФАРҚЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УСЛУБИЁТИ

М. А. Абдуганиев

ТДИУ «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» Талабаси

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида акциядорлик жамиятларининг фаолиятида туб ўзгаришларни амалга ошириш, жамиятда дароматларни ошишига олиб келмоқда. Акциядорлик жамиятларни фаолиятини янада ривожлантириш учун ташқи инвестиция муҳим рўл ўйнайди. Акциядорлик жамиятларига кенг миқёсда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун давлат тамонидан инвестицион сиёсат босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни кенг жалб этиш, уларнинг корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, сифатли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва уларни ташқи бозорларга етказиб беришни ташкил этишда фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, акциядорлик жамиятларининг устав капиталларидаги давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобига иқтисодиётда давлат иштирокини тубдан камайтириш мақсадида, акциядорлик жамиятларининг камида 15% улушини хорижий инвесторларга сотилмоқда. Бунинг натижасида акциядорлик жамиятларининг устав капитали шакллантиришда юзага келадиган курс фарқлари жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятида муҳим рол ўйнайди.

Акциядорлик жамиятларида устав капитални шакллантиришда юзага келадиган курс фарқлари “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонун, 14-сонли “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот” номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти, 21-сон “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ҳамда амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Келтириб ўтилган ушбу меъёрий ҳужжатлар акциядорлик жамиятларида устав капитални шакллантиришдаги курс фарқларини киритиш ва ҳисобга олиш жараёнини бухгалтерия ёзувларида акс эттирилади.

Жамиятга хорижий инвесторлар ёки хорижий маблағлар тамонидан устав капиталдаги улушлар бўйича қарзлари акс эттирилганда қуйидаги тартибда акс эттирилади:

D_m Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи

K_m Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар

“Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” счёти устав капиталини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган курс фарқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Устав капиталини шакллантириш учун берилган валюта ва валюта қийматликлари, устав капиталига улушларни киритиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта қийматликларини ва бошқа мулкларни баҳолаш рўйхатдан ўтказиш санасидаги таъсис ҳужжатларида белгиланган баҳолардан фарқ қилиши мумкин. Бунда вужудга келган курс фарқлари “Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” счётида ҳисобга олинади. Баҳолардаги ижобий курс фарқлари “Устав капиталини шакллантиришда



курс фарқи” счётининг кредитида, салбий курс фарқлари эса мазкур счётининг дебетиди акс эттирилади. Курс фарқларини бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис ҳужжатларида олдиндан келишилган, устав капиталидаги таъсисчиларнинг улушининг ўзгармаслигига имкон беради.

“Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи” счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида юритилади.

Таъсисчи тамонидан валюта шаклида улуш киритилган ҳолатда курс фарқидан юзага келган ижобий фарқ ҳисобда акс эттирилиши:

D_m Пул маблағлари счёти

K_m Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи

K_m Устав капиталини шакллантириш бўйича курс фарқи

Таъсисчи тамонидан валюта шаклида улуш киритилган ҳолатда курс фарқидан юзага келган салбий фарқ ҳисобда акс эттирилиши:

D_m Пул маблағлари счёти

D_m Устав капиталини шакллантириш бўйича салбий курс фарқи

K_m Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи

Умумий ҳолда айтганда устав капитални ҳисобга олишда миллий қонунчиликка асосланган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг халқаро стандартлар асосида ҳисоб юритиши ва ҳисоботларни таёрлаши миллий ҳисоб тизимини янада такомиллаштирилишига эришилади. Бу эса ҳисоб юритишнинг миллий ва халқаро стандартлар ўртасидаги номутоносибликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Адабиетлар

1. Мамажанов, А. Т. (2012). Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилини ахборот манбаси масалалари. Экономика и финансы (Ўзбекистан), (5), 68-73.
2. Мамажонов, А. Т., Фозилжонов, И. С., Хақимов, Ш. Т., & Исамов, С. М. (2016). Методика формирования затрат и распределения прибыли в фермерском хозяйстве в Узбекистане. Высшая школа, (1), 9-11.
3. Мамажонов, А. Т., Юлдашев, Б., & Фозилжонов, И. С. (2016). ВЗАИМОСВЯЗЬ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА И ЭКОНОМИКИ ПРЕДПРИЯТИЯ. ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ: теория и практика, (6), 17-21.
4. Юлдашев, Б. Т., Мамажонов, А. Т., Фозилжонов, И. С., & Одилов, Ш. Х. (2016). ОРГАНИЗАЦИЯ АУДИТА НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ. Экономика, социология и право, (6), 44-46.
5. Мамажонов, А. Т., Юлдашев, Б., & Фозилжонов, И. С. (2016). ВЗАИМОСВЯЗЬ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА И ЭКОНОМИКИ ПРЕДПРИЯТИЯ. ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ: теория и практика, (6), 17-21.
6. Мамажонов, А. Т., Юлдашев, Б. Т., Фозилжонов, И. С., & Эркинбоев, М. Р. (2016). Вопросы оценки нематериальных активов и их классификация. Экономика, социология и право, (6), 22-26.
7. Мамажонов, А. Т. (2022). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРОВЕДЕНИЯ МАРЖИНАЛЬНОГО АНАЛИЗА В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ. Models and methods in modern science, 1(10), 4-8.



**Innovative Society: Problems, Analysis
and Development Prospects (Spain)**

8. Мамажонов, А. Т., & Қодиров, Ш. Қ. (2022). ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР: КЕЙС-СТАДИ. Academic research in modern science, 1(10), 4-8.
9. Мамажонов, А. Т. (2022). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРОВЕДЕНИЯ МАРЖИНАЛЬНОГО АНАЛИЗА В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ. Models and methods in modern science, 1(10), 4-8.